

КУМУШКОНДАН ЯНГИ ТОПИЛГАН ҚАДИМИЙ ҚАБР-ҚЎРҒОН ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Дилмурод Рахматуллаевич НОРМУРОДОВ

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

катта илмий ходим

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

d.r.normurodov@mail.ru

Бехзод Имомали ўғли ИСАБЕКОВ

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Миллий археология маркази

Тошкент, Ўзбекистон

Bekzodisabekov30@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақола Тошкент вилояти, Паркент тумани, “Кумушкон” МФЙ дан янги топилган қадимий қабр-қўрғоннинг тадқиқотига бағишланган. Унда қабрнинг тузилиши ўтов шаклида, тархи овалсимон, дромос йўлакли катакомба типидagi қабр-қўрғон эканлиги баён этилган. Қолаверса, қабр Қовунчи маданияти вакиллариининг II-VI асрларда яшаган гуруҳларига тегишли эканлиги борасида қиёсий таҳлиллар асосида хулоса қилинган.

Таянч сўзлар: Кумушкон, катакомба, дромос, қабр, лаҳад, скелет, мархум, Қовунчи маданияти, кўза, қадах.

РАССУЖДЕНИЯ О НЕДАВНО ОБНАРУЖЕННОМ ДРЕВНЕМ КУРГАНЕ-МОГИЛЬНИКЕ В КУМУШКАНЕ

Дилмурод Рахматуллаевич НОРМУРОДОВ

доктор философии (PhD) по историческим наукам

старший научный сотрудник

Национальный университет Узбекистана имени

Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

d.r.normurodov@mail.ru

Бехзод Имомали угли ИСАБЕКОВ

доктор философии (PhD) по историческим наукам

Академия наук Республики Узбекистан

Национальный археологический центр

Ташкент, Узбекистан

Bekzodisabekov30@gmail.com

Аннотация

Данная статья посвящена исследованию вновь обнаруженного кургана-могильника на территории махаллинского схода граждан «Кумушкон» Паркентского района Ташкентской области. На основе сравнительного

анализа делается вывод, что это катакомбный курган-могильник со структурой схожей с юртой, овальной формы, дромосным коридором, принадлежит к группе представителей культуры Ковунчи, живших во II-VI вв.

Ключевые слова: Кумушкон, катакомба, дромос, могила, лахад (специальная ниша в могиле для усопшего куда его кладут), скелет, покойник, культура Ковунчи, кувшин, кубок.

Тошкент воҳаси Ўзбекистоннинг энг йирик тарихий-маданий воҳаларидан бири бўлиб, ҳозир бу ҳудуддан бронза, илк темир, антик давр ва ўрта асрларга оид саккиз юздан зиёд археологик ёдгорликлар аниқланган [15;1-ilova]. Аммо, Ўзбекистоннинг бошқа водий ва воҳаларида бўлгани каби Тошкент воҳасида ҳам ҳозиргача еростида изсиз кўмилиб ётган археологик ёдгорликлар бир талай. Бундай ёдгорликларнинг айримлари турли ҳудудлардаги ер қазиш ишлари мобайнида тасодифий топилиб туради. Уларнинг бир қисми тадқиқотчилар томонидан илмий муомалага олиб кирилса, қолганлари маҳаллий аҳолининг эътиборсизлиги туфайли йўқ бўлиб кетмоқда. Уларнинг эътиборсиз қолдирилиши, илмий таҳлилга тортилмаслиги ўзбек халқи ва давлатчилиги, воҳа маданиятининг айрим масалаларига ойдинлик киритилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли Тошкент вилояти, Паркент туманининг тоғларга туташган “Кумушкон” МФЙ дан тасодифан топилган қадимий қабр-қўрғон ва унинг ичидан олинган артефактларни илмий ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

“Кумушкон” МФЙ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун ўтказилаётган полиэтилен турбаларни еростига кўмиш жараёнида маҳалланинг Бирдамлик кўчасида яшовчи Баҳтиёр Эралиевич Жўлановга тегишли 23-хонадоннинг рўпарасидан, ернинг устки сатҳидан 50 см пастликдан ўтов шаклидаги бўшлиқ очилиб қолган. Ушбу бўшлиқнинг ичидан ўн бир дона сопол идишлар топилган. Бу ашёларнинг ноёблигини тушуниб етган маҳалла фаолларидан бири – Илёс Хотамовнинг берган хабаридан сўнг топилма жойида археологик кузатув-текширув ишлари ўтказилди. Натижада бу жой марҳумлар дафн қилинган қабр-қўрғон эканлиги аниқланди.

Кумушкондан янги топилган қабр-қўрғон соз тупроқли қияликдаги ерости тупроғининг қазиб олиниши натижасида ҳосил қилинган “катакомба” [17;68 с] бўлиб, унинг ички тузилиши ўтов, тархи овалсимон шаклда. Қабрнинг жануб томонида “дромс” йўлаги жойлашган. Қабрнинг ости ернинг устки сатҳидан 2.4 м чуқурликда жойлашган. Унинг остидан гумбаз шаклидаги шифтигача баландлиги 1.3 м, тархининг томонлари эса 2х2.8 м.ни ташкил қилади. Қабр йўлаги унинг остидан 10 см баландликда. Қабр асл ҳолатда сақланган бўлиб, унинг ички томони “девори”да тупроғини қазиб олишда ишлатилган меҳнат қуролининг (белкурак) излари сақланган. Унинг жанубида ер остидан 10 см баландликда жойлашган қабр йўлагининг диаметри 60-65 смни, сақланган узунлиги 2 м ни ташкил этади. Бу йўлакнинг қабрга тушиш жойидаги оғзи тош ва гувалалар билан ёпиб қўйилган. Марказий Осиёдаги бу тузилишга яқин ўхшашликдаги бўлган “катакомба”ли қабрларнинг дромосга нисбатан жойлашиш ҳолати, узунлиги, йўналиши ва қайси томонидан лаҳад қилинганлиги, зинанинг айвон чеккасида бор-йўқлиги, лаҳадга ўтиш йўлининг турлича беркитилиши (тупроқ, гувала, тош ва бошқа) кабиларга кўра 12 дан ортиқ тури ўрганилган [5;87].

Янги аниқланган қабр-қўрғонда учта марҳумнинг скелетлари жойлашган. Скелетлар узоқ вақт мобайнида кучли намликда сақланганлиги туфайли кучли чириган ва суяклари майда парчаларга бўлинган, кукунга айланган. Шу сабабли, марҳумларнинг суягига қараб уларнинг қайси жинс вакили эканлигини, ёши ёки тузилиши ҳақида мулоҳаза юритиш қийин. Улардан 1-скелет қабр лаҳадининг марказий қисмида жойлашган. Сақланган суякларнинг изларига қараганда, унинг боши ғарбга, оёғи шарққа узатилган бўлиб, узунлиги 1.9 м ни ташкил қилади. Унинг бундай бўйдорлиги эркак кишига тегишлилигидан дарак беради. Бу скелет тагига 2-3 см қалинликда майда тошчалар – шағал тўшалган. 1-скелетнинг бош томонига 7 та сопол идишлар: 3 та кўза, биттадан тувак, қадах, коса ва пиёлалар ярим айлана шаклда териб қўйилган. Афтидан бу скелет эркак кишиники бўлган.

2-скелет 1-скелетнинг ўнг томони, яъни, лаҳаднинг жануби-шарқий

кисмида, қабр йўлагидан ўнг-жанубда жойлашган. Бу марҳумнинг боши жанубга, оёқлари шимолга узатилган. Унинг ҳам тагига 1-скелетдаги каби шағал тўшалган. Бу скелет суяклари тарқалган майдоннинг узунлиги 80 см бўлиб, афтидан у ёш болага тегишли бўлган. Унинг суяклари деярли чириб кукунга айланиб кетган. Унинг бўйин қисмидан бир дона ҳалқа шаклидаги мис мунчоқ топилди. Бу мазкур скелетнинг қиз болага тегишлилигини тахмин қилиш имконини беради. Унинг бош томонида жами уч дона сопол идиш: икки дона пиёла ва бир дона қадах (кружка) қўйилган.

3-скелет 1-скелетдан чапда, қабрнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Унинг бош чаноғи ғарбга, оёқлари шарққа узатилган. Бу скелетнинг тагига ҳам бошқалари каби майда шағал тўшалган. Унинг деярли чириб кетган суяклари излари 70-80 см узунликка тарқалган. Суякларнинг тарқалишига қараганда бу скелет ҳам 2-скелетдаги марҳамга ўхшаб ёш болага тегишли бўлган. Унинг чаноғи юқорисига жами уч дона сопол идиш: икки дона коса ва бир дона митти қадах (кружка) қўйилган. Бу марҳумнинг қайси жинс вакили бўлганлигини айтиш қийин.

Ўрганилган қабрдан аниқланган жами 11 дона сопол буюмлар: 3 дона кўза, 1 дона тувак, 3 дона қадах (кружка), 2 дона коса, 2 дона пиёладан иборат. Бу идишларнинг барчаси қўлда, яъни, кулолчилик чархи ёрдамисиз ясалган. Улар қуйидагича тавсифга эга:

Кўзалар. Тухумсимон шаклли бу турдаги идишларнинг бир донадан вертикал ўрнатилган ярим овал шаклдаги балдоғлари бор. Улардан энг йиригининг бўйи – 37 см, оғзининг диаметри – 12.5 см, тагининг диаметри – 15 см ни ташкил қилади. У ҳажмининг анча катталиги ва балдоғининг бир учи оғзига, иккинчи учи эса елкасига уланганлиги билан бошқаларидан фарқланади. Иккинчи кўзанинг бўйи – 25 см, оғзини диаметри – 11 см, тагини диаметри – 10 см бўлиб, унинг балдоғини бир учи оғзидан биров пастроққа, пастки учи елкасига уланган. Оғзининг балдоғига қарама-қарши томони суюқликни қуйишга мўлжаллаб новсимон қилиб ишланган. Учинчи кўзанинг бўйи – 19 см, оғзини диаметри – 10 см, тагини диаметри – 8 смни ташкил этади.

Афтидан улар суюқлик солиб қабрга қўйилган бўлган. Афсуски, суюқликлар узоқ йиллар давомида буғланиб йўқ бўлиб кетган. Фақатгина кўзалардан бирида сут қаймоғининг кукун шаклидаги қолдиқлари сақланган. Бу ушбу идишга сут маҳсулоти солинганлигини кўрсатади.

Тувак. Идишлар орасида ягона бўлган тувак шарсимон шаклда, унинг таги текис ва кенг оғзи биров ташқарига қайрилган. Ташқи томондан бир учи оғзига, иккинчи учи елкасига уланган ярим овал шаклдаги икки тутқичи бор. Унинг бўйи – 24 см, оғзининг диаметри – 22.5 см, тагининг диаметри – 17 смни ташкил қилади.

Қадах (кружка)лар. Учала қадах (кружка)лар ҳам шарсимон шаклда бўлиб, уларнинг бир донадан вертикал ўрнатилган балдоғи бор. Бу балдоғларнинг бир учи идишнинг бўйнига, иккинчи учи эса энг кенг жойига ёки бўйнига ва елкасига уланган. Улардан бирининг бўйи – 8.5 см, оғзининг диаметри – 7.5 см, тагининг диаметри – 4.5 см, иккинчисининг бўйи – 8 см, оғзининг диаметри – 7.5 см, тагини диаметри – 5.5 см, учинчисининг бўйи – 6.5 см, оғзининг диаметри – 5.5 см, тагининг диаметри – 4.5 смни ташкил этади.

Косалар. Улар кенг оғизли бўлиб, таглигидан оғзига қараб қияланиб кенгайиб борган. Ҳар иккала косаларнинг ҳам бўйи – 7 см, тагининг диаметри – 12 см бўлиб, бири оғзининг диаметри – 19 см, иккинчисиники – 18.5 смни ташкил этади.

Пиёлалар. Пиёлалар кўринишига кўра косаларнинг кичик ҳажимдагиси. Бу пиёлалардан бирининг бўйи – 6 см, оғзининг диаметри – 12 см, тагининг диаметри – 7.5 смни ташкил этса, иккинчисининг бўйи – 5 см, оғзининг диаметри – 11.5 см, тагининг диаметри – 5.5 смдан иборат.

Кумушконда янги топилган қабр кўрғонининг ўрганилиши шуни кўрсатадики, у катакомба тузилишидаги қабр бўлган. Қабр оилавий хилхона бўлиб, унга 3 та марҳум дафн этилган. Қабрнинг марҳумлар қўйиладиган лаҳадига махсус йўлаклар (дромос) орқали, ўзлари учун қулай томондан кириб борилган. Дромос йўлаги (ўқи) қабрга перпендикуляр жойлашган. Йўлакнинг

лаҳад олдидаги оғзига бир неча тошлар териб ёпиб қўйилган. Марҳумларга ғамхўрлик қилиш мақсадида, уларнинг остига нам-захдан ҳимоялаш учун шағал тўшалган. Бундай одатлар Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида, хусусан, Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида кенг тарқалган. Бундай марҳумларнинг тагига турли тўшамалар тўшаш одати бронза давридан ҳозирги кунларгача давом этиб келмоқда. Тўшамаларнинг тупроқ, шағал, лой, тош, ўсимлик поялари, тўкима матолардан тайёрланган турлари бўлган [11;49]. Фарғона водийсида Чуст маданияти (милоддан аввал X-VIII асрлар)га тегишли қабрлардаги энг кўп тўшама “ёстик” жасад бошига бошоқли экин пояси юмалоқлаб тўшалганлиги кузатилган [17;16]. Водийнинг кейинги Эйлатон-Оқтом (милоддан аввал VI-IV асрлар) маданияти ёдгорликларида тошдан [6;6], антик давр мазорлари бўлмиш Қорабулоқда арча шохларидан ва похолдан [3;18], Тошкент воҳасининг Юқори Оҳангарон ҳавзасидаги Дўланабулоқ қабрларида тошдан [1;75-78], Кенгкўлда ўсимлик боғламидан [4;9], Гўрмиронда шағалдан тўшама ёстиклар тўшалган [11;47-48]. Бундай тўшама-ёстикларнинг қўйилишидан асосий мақсад марҳумларга яқинлари томонидан ғамхўрлик қилиш, уларга имкон даража қулайлик яратиб бериш бўлган [9;104-124]. Шунингдек, бу одат марҳумнинг тириклик чоғида ҳаётда, жамоада эгаллаган касб-кори ҳамда диний тасаввурлари билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Марҳумлар билан бирга уларнинг бош томонига лойига майда кум-тошлар, майдаланган оҳактошлар аралаштирган ва кўлда ясаиб, устига қизғиш рангли суяк ангоб (бўёқ) суртилган сопол идишлар териб қўйилган.

Кумушкондан янги топилган тузилиши гумбаз, тархи овал шаклли, тор йўлакли ерости қурилмаси – катакомба типидagi қабр-қўрғон бўлиб, унинг тузилишида ҳудуднинг географик ҳолати, ер рельефи ҳисобга олинган. Тошкент воҳасида антик даврдан бошлаб шу тузилишдаги қабрлар кенг оммалашган [19;68-70]. Бундай қабрлар Тошкент шаҳридаги “Никифоров ерлари”да [16;1891], Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри атрофларида [12;19], Пискент тумани ҳудудларида [10;165], Оҳангарон туманининг

Дўланабўлоқ, Эртош-Дўланабулоқ, Чинор, Тайпон Суюрлитепа, ёдгорликларида [8;32–35], Туябўғиз сув омборидаги Киндиктепа [7;20], Юқори Чирчиқ туманидаги Кавардон [2;69-72] каби ёдгорликларида кўплаб учрайди. Қабрдан топилган сопол идишлар Тошкент воҳасида кенг тарқалган Қовунчи маданияти (милоддан аввал II – мил. VI асрнинг биринчи ярми) материалларига айнан ўхшаш [14;153-163]. Айниқса, сопол идишларнинг ясалиши, тузилиши ва пардозланишига кўра бу маданиятининг иккинчи (II–IV асрлар) ва учинчи (IV-VI асрнинг биринчи ярми) босқичидаги идишларга яқин ўхшашликда [13;153-163]. Шуларга асосланиб янги, тасодифан топилган қабрни ва ундаги топилмаларни II-VI асрларга тегишлилигини тахмин қилиш мумкин.

Шундай қилиб, Кумушкондан топилган Қовунчи маданиятига тегишли ёлғиз қабрлар ўрганилди. У фан оламига номаълум бўлган янги ёдгорлик бўлиб, унинг топилиши ва илмий ўрганилиши ўзбек халқи этник тарихининг асосларини ташкил этган Қовунчи маданияти вакилларининг Угам-Чотқол тоғлари ҳудудларига милод бошлариданоқ кириб борганлигини, бу ҳудудлар ўзлаштирилиб, аҳолининг ўтроқлашиш жараёнлари кечганлиги кузатилди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аскарлов А., Иномов О., Исабеков Б. Комплекс погребальных памятников “Дуланабулак” в верховьях реки Ахангарана и его изучение // Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии. – Ташкент, 2010. – С. 73–83.
2. Алимов Ў., Алимов Қ. Кавардон ва Бўқада ўтказилган қазилмалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1994. – №3–4. – Б. 69–72.
3. Баруздин Ю.Д. Кара-булакский могильник (Раскопки 1955 года) // Труды Института истории АН Киргизской ССР. Вып. III. – Фрунзе, 1956. – С. 18.
4. Бернштам А.Н. Кенкольский могильник. – Ленинград, 1940.

5. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины 1-тысячелетия н.э. // АСГЭ. Вып. 22. Ленинград, 198. – С.87
6. Горбунова Н.Г. Культура Ферганы в эпоху раннего железа: Автореф.дис... канд. ист. наук. – Ленинград. 1961.
7. Древности Туябугуза. –Ташкент, 1978. – С. 168. Табл. 1, Рис. 20.
8. Исабеков Б.И. Қовунчи маданияти этник гурухлари Чотқол ва Қурама тоғ чўққиларида // ЎзМУ хабарлари, 2018. – №1/2-сон. – Б. 32-35.
9. Литвинский Б.А. Курганы и Курумы западной Ферганы, – Москва. 1972.
10. Левина Л. М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тысячелетии н. э. . – Москва, 1971. – 165 с.
11. Матбобоев Б.М. Қадимги Фарғонадаги дафн маросимлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1994. – №5. – Б.49.
12. Массон. М.Е. Ахангеран. – Ташкент, 1953.
13. Матякубов Х., Нормуродов Д., Исабеков Б., Исмаилов У. “Эртош-Дўлана” ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар, 2020. – №12. – Б. 153-163.
14. Khalil Matyakubov, Akhmadali Askarov, Bekhzod Isabekov. Archaeological Excavations at the Ertosh-Dolana Cemetery in the Ahangaron District of Tashkent Region. PSYCHOLOGY AND EDUCATION (2021) 58(2): 4847-4855.
15. Normurodov D. R. Toshkent vohasining qadimgi va oʻrta asrlar davri moddiy madaniyati tarixi (miloddan avvalgi XIII – milodiy XIII asr boshlari). – Toshkent, 2023. 1-ilova.
16. Остроумов Н.П. Отчет о раскопках курганов на Никифоровских землях в окрестностях Ташкента. ОАК за 1882—1888 гг. СПб, 1891. стр. СХСШ—СХСІХ (Архив ИА АН СССР, д. 34, 1887 г.).
17. Партина А.С. Катакомбы // Архитектурные термины. Иллюстрированный словарь. – Москва: Стройздат, 1994. – С. 68.
18. Спришевский В.И. Чустское поселение (к истории Ферганы в эпоху бронзы): Автореф.дис... канд. ист. наук. – Ташкент. 1963.

19. Тошбоев Ф. Уструшона чорвадорларининг антик даврдаги маданияти. – Тошкент, 2014.